



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 21 июн, чоршанба №89 (921)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ МОСКВАГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 20 июн куни МДХ мамлакатлари давлат раҳбарлари Кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Москвага жўнаб кетди.

Саммит кун тартибидан йигирмадан зиёд масала ўрин олган. Жумладан, президентлар Хамдўстлик доирасида эркин савдо зонаси барпо этиш, террорчиликка қарши кураш, хавфсизлик ва ўзаро ҳамкорликни яна жонлантириш борасида фикр алмашади.

Шунингдек, музокаралар якунида айрим ҳужжатлар имзоланиши ҳам кутилмоқда. (ЎЗА)


МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА - ТУГИЛГАН КУН

Тошкент шаҳридаги 24-сонли меҳрибонлик уйида 12 нафар тарбияланувчининг туғилган кунини нишонланди. Болаларнинг ёдида умирбод сакланиб қоладиган бу байрам «Кўзmunчоқ» болалар хайрия жамғармаси ва «Шератон Тошкент» меҳмонхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Меҳмонхона бош менежери Реда Дарвиш болаларга уларнинг ёши ва эҳтиёжига мувофиқ ҳолда танланган ўйинчоқлар ҳамда кийим-кечаклар совға қилди. Болаларнинг исми ва табрик сўзлари ёзилган улкан торт уларнинг қувончига қувонч қўшди.

Болалар ҳам ўз навбатида қувноқ байрам концертини намойиш этиб, катталарни хушнуд этишди.

— Бу бизнинг «Шератон Тошкент» меҳмонхонаси билан ҳамкорликда ўтказётган иккинчи тадбиримиздир, — дейди «Кўзmunчоқ» жамғармаси раиси Азиза Ҳақимова. — Бу ҳамкорлигимиз доимий бўлиб қолади, деб умид қиламиз. Жамғармамиз яқинда ташкил этилганга қарамастан савобли ишмизни қўллаб-қувватлаётганлар кўпайиб бормоқда. Улар орасида йирик корхона, компания ва фирмалар бор. Жамғармамизнинг меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларга ёрдам кўрсатишга қаратилган дастури кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда.



Косонсой туманидаги «Тергачи» корхонаси ўз фаолият доирасини кенгайтириб бормоқда. Хусусан, аҳолига маиший ва савдо хизмати кўрсатиш мақсадида замонавий бинолар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айни чоғда мазкур бинода дорихона, савдо дўкони ва косибчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай қулайликлардан аҳоли беҳад мамнун.

Суратларда: 1. Савдо марказининг умумий кўриниши. 2. Пойфазал таъмирлаш цехи ишчиси Обиджон Худойбердиев.

Б.ХАМРОҚУЛОВ олган суратлар.



ШУ АЗИЗ ВАТАН - БАРЧАМИЗНИКИ

Ўзбекистон Бадий академияси ўзининг Марказий кўргазмалар залида Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгаши, Байналмилал маданият маркази ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишлаб ташкил этган кўргазмани ана шундай атади. Мазкур кўргазманинг ўзига хослиги шундаки, унда илк бор юртимизда истиқомат қилаётган 130 га яқин миллат вакилларининг истеъдодли мусаввирлари мўйқаламига мансуб 50 дан зиёд тасвирий санъат асарлари ўрин олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси А.Мелибоев кўргазмани очар экан, тили, дини, эътиқоди, миллатидан қатъи назар, мамлакатимизда яшаётган барча фуқаролар шу заминни ўзларининг сеvimли она-Ватани, юртимиздаги тинч-осойишта, фаровон ҳаётни эса энг олий неъмат, деб билишини таъкидлади. Шубҳасизки, кўлга киритилётган улкан ютуқларда мамлакатимизда яшаётган барча миллат вакиллари муносиб улуши бор. Улкамизда уларнинг тинч, эркин ва фаровон яшаши, меҳнат ва ижод қиллиши, илм олиши учун Президентимиз ва ҳукуматимиз томонидан барча шароит яратилган. Кўргазма 30 июнгача давом этади. Назолат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

Ижтимоий ҳимоя

ЭЗГУЛИК ЧЕГАРА БИЛМАС

Денов туманидаги С.Раҳимов номи жамоа ҳўжалигига Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев раҳбарлик қилади. Айни чоғда ҳўжалик эъзолари 1300 гектар ерда деҳқончилик қилишяпти ва ишчилар меҳнатига яраша рағбатлантиряляпти. Бу ҳақда ҳўжалик касаба уюшма кўмитаси раиси Акмал Ҳасанов шундай дейди:

— Галлачиликда 241, пахтачиликда 850 та оилавий пудратчиларимиз бор. Улар ҳамжихатликда ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар.

Уруш иштирокчилари, ёрдамга муҳтожларга доимо муруват кўрсатаймиз. Бундан ташқари, 42-ўрта мактаб ва 2 та болалар боғчасини ортиқча олганмиз. Ишчи-хизматчиларимиз тоза ичимлик суви ва табиий газдан фойдаланганлиги учун ҳақини маъмурият узулуксиз тўлаб келмоқда. Аёлларга эътибор алоҳида бўлмоқда. Шу ниятда махсус дастур ишлаб чиқилганди. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш юзасидан тадбирлар амалга очирилди. Жумладан, 2 ёшгача бўлган болалар нафақаларини ўз вақтида берилмоқда, кам

ражали диплом, пул мукофотлари, рангли телевизор билан тақдирландилар. Ўзбек миллий кураши бўйича ажойиб полвонларимиз етишиб чиқмоқда.

Ўтган йили деҳқонларнинг 500 нафар болалари оромгоҳларда, 25 нафар киши санаторийларда дам олдирилди. Бу йилги режалар янада улкан.

Бундан ташқари ҳўжалигимизда бозорча, хусусий савдо дўконлари ва бошқа маиший хизмат нуқталари ташкил этилган. Мухими янги иш ўринлари очилди. Қишки ва ёзи кинотеатрлар, истирохат боғлари меҳнат-кашлар хизматида. Кутубхонада 10 мингга яқин турли китоблар бор.

Дала шийпонлари деҳқоннинг иккинчи уйдир. Уларда телевизор, радио, газета-журналлар, шахмат-шашка мавжуд. Соя-салқин жойда яшиш дам олиш, хордик чиқариш учун шарт-шароитлар яратилган.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири.

Маҳалла — менинг уйим

СЕРГАК ЖАМОАТЧИ-ПОСБОНЛАР

— Шу йилнинг охириги беш ойи давомида маҳалла посбонлари зийраклиги ва ғайрат-шижоати туфайли шаҳарда 197 та жиноят фош этилди, 136 та жиноятнинг эса олди олинди, — деди Тошкент шаҳар ички ишлар бўшқармасининг профилактика ишлари бўлим бошлиғи, милиция полковниги Дилмурод Жўрабоев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Шу маънода маҳаллий профилактика нозирлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда жамоатчилик асосида ишлаётган

посбонлар, улар сардорларининг фаолияти муҳим катта аҳамият касб этмоқда.

Республика Оқсоқоллар кенгашида посбонлар ўқуви ва малакасини ошириш бўйича бўлиб ўтган йиғилишда, асосан, жамоатчилик асосида тузиладиган бундай тузилмаларнинг ҳуқуқий мақоми, улар ваколатига кирадиган вазифалар ҳақида махсус тушунтиришлар берилди, меъёрий ҳужжатлар билан таништириб ўтилди.

Маълум бўлишича, шаҳарда юз бераётган жиноятларнинг 33,7 фоизи Тошкентда ноқонуний яшаётган фуқаролар томонидан содир этилаётган экан. Шундан келиб чиқиб, маҳаллалар оқсоқолчилигини таъминловчи посбонлар бундан кейин ҳам маҳаллаларга ким келаётганини, қаердан келаётганини, нима иш билан шуғулланаётганини зийраклик билан назорат қилаверадилар.

ОММАВИЙ ПОЙГА

Сидней шаҳрида ўтадиган XXVII олимпиа олдидан ҳамда Олимпиада ҳаракатининг 104 йиллигига бағишлаб, Қорақалпоғистонда югуриш бўйича оммавий пойга бўлиб ўтди. Унда махсус тиббий кўриқдан

ўтган 11-70 ёш оралиғидаги юз мингга яқин эркек ва аёллар қатнашди.

Нукус, Тахиятош, Хўжайли, Бўстон, Манғит шаҳарларида, Тўрткўл, Мўйноқ туманларида мусобақалар айниқса юқори савияда ўтказилди. Ҳар бир гуруҳ голиби қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Таълим тизими: ислоҳот одимлари

Таълимнинг янги моделини тадбиқ этиш ва шу жараёни тезлаштириш Қарши Давлат университети олимларининг ҳам фаолият мезонини ташкил этмоқда. Яқинда жаҳон таълим тизимидаги тажрибаларни чуқурроқ ўрганиш мақсадида университет ректори, Олий Мажлис депутати, фалсафа фанлари доктори Назар Ҳақимов бошлиқ бир гуруҳ олимлар Финляндия ва Англия мамлакатларида бўлиб қайтидилар.

— Университетимизда ривожланган мамлакатларнинг мутахассис ва олимлари билан яхши ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган, — деди олим бизга сафар таассуротлари ҳақида сўраганимизда. — Зеро-Қадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим соҳасидаги вазифаларни амалга оширишда халқаро ҳамкорлигининг аҳамияти катта эканлиги алоҳида кўрсатилган. Шу соҳага йўналтирилган сай-ҳаракатлар туфайли университетимиз Европа ҳамжамиятининг Темпос дастурига киритилди. Бундан кейин университетимиз жамоаси мунтазам равишда Буюк Британиянинг «Шимолӣ Лондон» ва Финляндиянинг «СУЛИ» университети таълим тизимида янги педагогик технологиянинг ўрнини ўрганиш соҳасида ҳамкорликда иш олиб бориш билан бирга, малака оши-

риб, ўзаро тажриба алмашишда давом этади. Чунки, таълим соҳасида илгарилаб кетганларнинг тажрибасини ўраниш, чекланмаган ҳолда миллий маънавиятимиздаги бой тажрибалардан ижобий фойдаланиш, ёки уларнинг ютуқлари омилларини ўрганиш шубҳасиз тараққийга бошлайди. Чиндан ҳам биз хорижда бўлганимизда мутахассислар тайёрлаш, малака ошириш, қайта тайёрлаш, болаларни олий ўқув юртлигига тайёрлаш бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга оширилишига гувоҳ бўлдик. Яъни, у ерда ҳеч ким баҳо

уочн ўқимайди, балки билим олиш учун интилади. Мактабларда бешинчи синфгача ҳеч бир ўқувчига баҳо қўйилмайди.

— Ахир боланинг билимини баҳолаш ҳам керак-ку, тўплаган билимлар қаерда синовдан ўтади?

— Бешинчи синфдан тўққизинчи синфгача ҳар ярим йилда имтиҳонлар олиниб уларнинг билимлари баҳоланади. Баҳолаш жараёни ҳам шунчаки синов тарзида бўлади. Ёшларнинг олий ўқув юртига кириш ниятлари бўлса мактаб дарсликлари билан ташқари ўзлари яна кредитлар олиб тайёргарлик кўрадилар.

— Кредитлар? У нима. Шу ҳақда ҳам тушинтириш берсангиз?

— Кредит — Европа мамлакатлари олий ўқув юртлирида талаба дастур асосида ўрганиши лозим бўлган вазифалар сираси-

га кирди. Ҳар бир талаба бир ўқув йилида 40 тагача кредит олади. Талабалар таълим соҳасида ўқийдиган бўлсалар дастлаб таълим фалсафаси, таълим этикаси, таълим эстетикаси катта ўрин берилди. Биз бу соҳадаги қўллаб-саволларга ўқитиш тизими- Ҳар бир ўқувчи ўз она тилидан ташқари яна 2 ёки 3 тилни мукамал билади. Ростини айтганда боланинг ўйини ҳам, дам олиши ҳам, саёҳатга чиқиши ҳам, юртининг тарихини ўрганиши ҳам билимларининг мустахкамланишига келиб тақалар экан. Бирор соҳани, дейлик, математикани эгаллаш учун ҳам аввало педагогика, этика, маданият соҳасидаги кредитлар талаб қилинар, шундан сўнггина фан соҳасига рухсат этиларкан.

— Таълим ва тарбия соҳасидаги мавжуд тажрибаларни бизда ҳам қўллаш вақти келмади-микан?

— Мақсад ҳам шу, аввало баҳоладан, ҳар хил синовлардан воз кечиш, аста-секин ривожланган давлатлардаги ўқитиш тизимига ўтиш ҳар томонлама қулайлик туғдиради. Шундагина бола фақат илм учун ўқийди. Бинобарин, эртанги кун номигагина дипломи бор кишининг эмас, билимли, интилувчан ёшларнинг қўлидадир. Шунинг учун ёшларга билим эгалланг, ютказмайсиз, дегим келади.

Шарофат АШУРОВА, Қашқадарё вилояти.

БАҲОГАМАС, ИЛМГА ИНТИЛИШАДИ

риб, ўзаро тажриба алмашишда давом этади. Чунки, таълим соҳасида илгарилаб кетганларнинг тажрибасини ўраниш, чекланмаган ҳолда миллий маънавиятимиздаги бой тажрибалардан ижобий фойдаланиш, ёки уларнинг ютуқлари омилларини ўрганиш шубҳасиз тараққийга бошлайди. Чиндан ҳам биз хорижда бўлганимизда мутахассислар тайёрлаш, малака ошириш, қайта тайёрлаш, болаларни олий ўқув юртлигига тайёрлаш бир-бири билан боғлиқ ҳолда амалга оширилишига гувоҳ бўлдик. Яъни, у ерда ҳеч ким баҳо

ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ

Наманган вилоятида аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш йўлида қатта ишлар амалга оширилмоқда. Мавжуд шифохоналарнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда, янги-янги тиббиёт тармоқлари қурилиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланмоқда. Жумладан, Наманган шаҳрининг Гўзал даҳасида жойлашган кўп тармоқли шифохона базасида республикада ягона шошилинч тиббий тез ёрдам маркази ишга туширилди. Туманларда эса унинг филиалларини ташкил этишга киришилди. «Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамиятига қарашли 1-қурилиш-монтаж бoшқармаси бош пудратчилигида 1,4 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жуда қисқа вақт ичида 20 та ташхис қўйиш бўлими, ўндан зиёд ёрдамчи хизмат бўлиmlари, бир сменада 50 беморни қабул қилиш имконига эга бўлган қабулхона, 10 та жарроҳлик амалиётлар мажмуаси тайёр ҳолга келтирилди. Марказни жаҳон андозалари талаблари даражасидаги энг янги ва замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари ҳамда бошқа турдаги аппаратлар, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор берилди. Финляндиянинг «Медико-Медикал» корпорацияси билан 5,5 млн. АҚШ доллари қийматидаги шартнома имзоланди. Шу кунгача рентген - ташхис қўйиш бўлимига Германиянинг сирескол «Сименс» ҳамда Болгариянинг ангиограф «Хиролокс», функционал-ташхис қўйиш хоналарига эса беморларни ультратовуш билан текширадиган Япониянинг «Апока» қаби замонавий аппаратлари ўрнатилди.

Илмий марказда ишлаш учун тиббиёт ходимлари касб-малакасини оширишга ҳам алоҳида эътибор берилди. Жумладан, 20 нафар врач шифокор Москвадаги тез ёрдам олийгоҳида, 41 нафари эса Тошкентда малака ошириб қайтди. Яқинда тиббий марказнинг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлди.

«Наманганқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси Б.Саматов, вилоят соғлиқни сақлаш бoшқармасининг бошлиғи О.Қосимовлар аҳоли саломатлигини сақлаш борасида кўрсатилётган ғамхўрликлар учун республикамиз Президентига ва ҳукуматига ўз миннатдорчиликларини билдирдилар. Марказнинг бунёд этилишига энг кўп хисса қўшган бир гуруҳ қурувчиларга вилоят ҳокимлигининг faxрий ёрликлари ва эсдалик совғалари топширилди.

Тантанали маросимда республика Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, республика соғлиқни сақлаш вазири Ф.Назиров иштирок этишди.

Ж.ОБИДОВ.

Касаба уюшмалари бозор шароитида

КОН ЁНИДА КОРХОНА

Юртимиз замини бағрида жуда катта табиий бойликлар мавжуд. Геологларимиз олдида ана шу заҳираларни қидириб топиш, давлат ва халқ манфаатларига хизмат қилдириш вазифаси қўйилган. Шу мақсадда геология-қидирув экспедицияларимиз республикамизнинг жанубий, ғарбий ва шимолий ҳудудларидаги Туркистон, Нурота, Бойсун тоғ тизмаларида, шунингдек, Қизилқум чўли ва унга туташ тоғларда бир неча ўн йиллардан бери қидирув ишлари олиб боришмоқда. Ўтган даврда олтин, вольфрам, тошкўмир, кўргошин, фосфорит, мәрмар ва бошқа нурда жинсларга бой конлар топилиб, ишга туширилди.

Бу эса республикамиз иқтисодийни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Бир нарсага бир нарса сабаб деганларидек, геологларимизнинг сайёҳаракати ила юзгага чиққан қазилма бойликлар янги ва янги корхоналарнинг ишга туширилишига имкон бермоқда. Мисол учун, Қизилқум чўлида топилган янги фосфорит кони замирида Навоий тоғ-металлургия комбинати томонидан чет эллик ҳамкасбалар билан ҳамкорликда фосфорит комбинати ишга туширилди. Бундан ташқари Қашқадарё воҳасининг Бойноқсой ҳудудида чинни тоши заҳираси топилиши республикамиз чинни-созларини қимматли хом ашё билан таъминлаш имконини берди. Айни пайтда Самарқанддаги «Нафис» ҳиссадорлик жамияти (чинни заводи) бу хом ашёни ишлаб чиқаришда кўплай бошлади.

Хорижликлар билан амалга оширилаётган ислохотлардан асосий мақсад шак-шубҳасиз жаҳон ҳамжамиятида муносиб мавқега эга бўлиш, тараққий топган мамлакатлар даражасига етиб олишдир. Шу боис ҳам аввало энг илгор технологияларни ўрганиш, уларни геология-қидирув ва ишлаб чиқариш жараёнларида қўллашга интиляямиз. Айни пайтда тармоқ корхоналари замонавий техника воситалари ва ускуналар билан таъминланмоқда. Шунингдек, кон қидириш ишларида ривожланган хорижий давлатларнинг етакчи турдош фирмалари билан ҳамкорликка катта эътибор берилаяп-

ти. Хусусан, Англиянинг «Оксус — Майнинг Лимитед» фирмаси вакиллари билан биргаликда Хандиза ва Қизилқумдаги Омонтайтау конларида изланишлар давом этмоқда.

Кези келганда мен бир нарсага алоҳида ургу беришни истардим. Геологларнинг иш шароити бошқа тармоқ ходимлариникидан мутлақо фарқ қилади. Об-ҳаво шароити ва бошқа омиллардан қатъи назар тоғ ва чўлларда иш олиб борилади. Бундай вазиятда иш шароити, меҳнатни муҳофаза қилиш каби масалалар ҳам бизни тез-тез безовта этади. Ким қандай фикрлашгани билмайман-у, лекин менимча, жамоадаги ва ҳатто ишлаб чиқаришдаги парокандалик ишчиларнинг манфаатларига эътибор бермасликдан бошланади. Меҳнатга яраша рағбат топган жойда кишилар янада самаралироқ ишлайверади. Шунинг учун биз бу масалаларда, энг аввало, Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси ва «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун талабларини қатъий бажаришга интиляямиз. Корхонада қабул қилинган жамоа шартномасида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнат муҳофазаси, имтиёзларга оид вазифалар аниқ белгиланган. Жумладан, шу асосда оғир жисмоний меҳнат қўламини йил сайин камайтириб борилаёпти. Бундан ташқари, жамоа шартномаси маъмурий ходимларини моддий кўллаб-қувватлаш, ёки болалари аёлларга қўшимча таътиллار бериш, даволанаётган ишчиларга



Мухсин КАРИМОВ, «Самарқандгеология» давлат геология корхонаси бош директори.

қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш, тушлик овқатланиш харажатларини қоплаш, табиий ҳизматни ташкил этиш каби кўплаб масалаларни ўз зиммасига олган бўлиб, уларни оғишмай бажаришга эришилмоқда. Ана шундай мақсадлар учун ўтган йили 70 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунинг учун тармоқ корхоналарида касалланиш даражаси анча камайган. Худого шукурки, бахтсиз ҳодисаларга йўл қўйилмаяпти. Бу эса ходимларнинг кайфияти яхши, руҳитик, меҳнати самарали бўлишига имкон бермоқда.

Ишчи-хизматчиларнинг санаторийларда дам олиши, соғлигини тиклаши учун ўтган йили корхона маъмурияти кўмитаси 56 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфлади. Шунингдек, уларнинг фарзандларини корхона тасарруфидоги «Золотинка» оромгоҳида дам олдиришга маъмурий 4,1 миллион сўм, касабакўм 1,9 миллион сўм ажратди. Бошқача айтганда 2091 нафар болани дам олдиришга эришилди.

Корхонамизда, шунингдек, спорт ва миллий ўйинлар бўйича беллашувлар ўтказиш одат тусига кирган. Айниқса, баҳор ва куз фаслларида бундай тадбирлар кўплай ўтказилади.

Дунёда катта бир ҳақиқат бор, у ҳам бўлса, киши оиласидан хо-

тиржам бўлсагина кўнглига ўйин-кулгу сиғади, меҳнат асноси ҳаёли қочмайди. Шунинг учун ҳам касаба уюшмаси билан елка-ма-елка туриб ижтимоий масалаларга жиддий аҳамият бермоқдамиз. Бу соҳада амалга оширилган кўплаб масалаларнинг фақат биттасига тўхталмоқчиман. Ўтган беш йил давомида ходимларимизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш, малакали ва ёш мутахассисларни уй билан таъминлаш мақсадида битта 32 хонадонли, тўртта 24 хонали уй қуриб битказилди. Бултўрт йил охирида эса яна 24 оила янги уйга кўчиб ўтди.

Умуман, бизда ходимларга тегишли барча масалаларда касабакўмнинг фикри ҳаммаша инобатга олинади. Белгиланган муддатларда маъмуриятнинг масъулиятини қоплаш, ишлаб чиқариш бўлимининг касабакўмга ва тегишли жамоаларга қилинган ишлар тўғрисида ахборот беришадими. Бу эса ҳамкорликда ишлашнинг энг мақбул усуллари билан бирдир.

Эътирозли фикрларимиз ҳам йўқ эмас. Иқтисодий барқарорликка эришилган ҳозирги шароитда биринчи галда маънавий-маърифий ишларга эътиборни кенгайтиришга ҳамон етарлича аҳамият берилмапти, деб бўлмайди. Касаба уюшма кўмиталарининг жамоатчи инспекторлари ва фаоллар меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги, дам олиш шароити, хуллас ишчиларга дахлдор масалаларни хал этишда янада кўпроқ фаоллик кўрсатишса, амалий тақдирлар билан ёрдам беришса, мақсадга мувофиқ бўлув эди. Ва ниҳоят, энг муҳими, раҳбардан бошлаб оддий ишчигача — ҳаммамнинг ҳуқуқий саводхонлигини, бурчга масъулият билан ёндашув тўғрисида муттасил мустақамлаб бориш талаб этилади. Тараққийнинг, юксалишнинг кафолати айна мана шундадир.

МУХСИН КАРИМОВ,
«Самарқандгеология»
давлат геология корхонаси
бош директори.

Мамлакатимиз пойтахтида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкил этилган семинарда вилоятлар, туман ва шаҳар касалхоналарининг бош шифокорлари, тиббиётнинг тор тармоқ мутахассислари иштирок этдилар.

— Кейинги йилларда республикамизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий пойдеворини мустақамлашга жиддий эътибор берилаётир, — деди Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги бошқармаси бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Фарход Илҳомов «Туркистон-пресс» муҳбирига. — Хусусан, 1998 йил ноябр ойда соҳани ислоҳ қилиш-

нинг давлат дастури ишлаб чиқилди. 1999 йилда Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда кесаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори эълон қилинди. Бу йилги «Соғлом авлод йили» дастурлари ҳам фикримизга далил дор.

Юқоридаги ҳужжатлардан келиб чиқиб, семинаримиз, асосан, тўрт муҳим масалани ҳал этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Булар — бирламчи тиббий хизмат, шошилинч ёрдам кўрсатиш, ижтимоий аҳамиятга эга хасталикларни даволаш, шифокорлар малакасини оширишдан иборат.

Р.РОДРИГЕС: ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ ДАВОМ ЭТАДИ

Кейинги чорак аср мобайнида Орол денгизининг суви кескин пасайиб, 3 миллион гектарлик янги Оролқум пайдо бўлди, экологик вазият мушкуллашди. Натижада денгиз соҳилларидаги туманлар экологик офат зонасига айланди. Бу ҳол кеча ёки бугун юз бергани йўқ. Энди муаммони ҳал қилиш учун катта маблағ ва кўп вақт лозим бўлади. Вазиятни ўнглаш кўп жиҳатдан Халқаро ҳамжамият мадорига ҳам боғлиқдир. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов нуфузли Халқаро ташкилотларнинг юксак минбаридан туриб, халқаро жамғармалар, айниқса, БМТ эътиборини Орол денгизи қурий бошлаши оқибатида юз берган вазиятни ўнглашга қаратганлиги ҳам бежиз эмас. Бу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ бир неча хорижий жамғармалар, ташкилотлар Орол бўйидаги экологик офатга жиддий эътибор қила бошладилар. Шундай нуфузли ташкилотлардан бири ЮНЕСКОдир.

Яқинда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Р.Родригес яна бир бора Оролбўйида бўлди. Уни Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов қабул қилиб, Оролбўйи ҳудудидоги юз берган ҳозирги мураккаб аҳвол билан таништирди. Айниқса, экологик офат натижасида оналар ва болалар касаллиги кўпайганлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Касалликнинг олдини олиш учун ЮНЕСКОнинг амалий кўмак бераётгани, жумладан, 32 миллион сўмлик дори-дармонлар ажратгани учун жаноб Родригесга миннатдорчилик билдирди.

Ўз навбатида ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси раҳбари жаноб Р.Родригес бу йил Амударёнинг қуйи қисмида сувнинг фоят кам бўлаётганидан таассуф билдирди ва зудлик билан амалий ёрдам кўрсатилишини таъкидлади.

Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгесида бўлиб ўтган қабулдан сўнг «Ишонч» муҳбири ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Руди Родригесга бир неча саволлар билан мурожаат қилди:

— Ваколатхонанинг Оролбўйи экологик офат зонасига инсонпарварлик ёрдами хусусида қисқача тўхталсангиз?

— ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси икки йилдири, болалар ва оналарда учраётган камқонлик касалига қарши курашиш дастурини амалга ошириш юзасидан қизгин фаолият кўрсатмоқда. Биз биринчи навбатда Қорақалпоғистонда истиқомат қиладиган барча оналар ва болалар ҳисобини олдик. Бу галги сафаримизда камқонлик касалини даволайдиган зарур дори-дармонлар олиб келдик,

Сухбатдош:
Абду РАҲМОН,
«Ишонч» муҳбири,
Нукус шаҳри.

СОВРИН ТОПШИРИЛДИ

Белгия пойтахти Брюссел шаҳрида бўлиб ўтган маросимда «Коском» уяли алоқа Ўзбек — Америка қўшма корхонасига Европа иттифоқининг «EuroMarket Award 2000» соврини топширилди. Бозор муаммоларини ўрганиш Европа маркази (EMRC) тавсиясига биноан берилган мазкур мукофотни корхона бош директори Алексей Степанов қабул қилиб олди.

Компания мазкур совринга бизнес оламига муваффақиятлари, тадбиркорликдаги ташаббускорлиги, телекоммуникация соҳасидаги хизматлари тўғрисида эришди.

— Совриндор бўлиш нафақат компания фаолиятида, балки уяли алоқа тизимидан фойдаланувчилар ҳаётида ҳам катта воқеа бўлди, — деди Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган анжуманда қўшма корхона директори ўринбосари Азимжон Орифжонов «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда. — Таққослаш учун мазкур халқаро совринга «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Россия-транс АЭРО» каби нуфузли корхоналар сазовор бўлганлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Алоқа тизими Ўзбекистоннинг Буюк Ипак йўли бўйлаб жойлашган Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Навоий, Зарафшон, Гулистон, Жиззах, Чирчиқ, Янгийўл шаҳарлари ва уларнинг атрофидаги ҳудудларни қамраб олган.

Ҳаёт тарзимизни алоқасиз тасаввур қилиш мумкин эмас. «Коском» Ўзбекистонда халқаро автоматик роуминг хизматларини тақдир этаётган энг биринчи ва ягона компаниядир. Бу тизим ҳақида шунини маълум қилиш жоизки, ундан фойдаланиш тўғрисида одамнинг асрий орзуси ушалапти: бир операторнинг алоқа тизимидан бошқа операторнинг алоқа тизимига ўтиш, дунёнинг исталган нуқтасидаги одам билан гаплашиш мумкин бўлади.

Ушбу алоқа тури дунё мамлакатларининг 130 дан зиёд шаҳарларидаги уяли алоқадан фойдаланиш имконини беради.

А.Орифжоновнинг берган маълумотига кўра, шу кунга қадар «Коском» компанияси томонидан 50 дан ортиқ мамлакат билан роуминг шартномалари имзоланди. «Коском» республикамиз ҳудудининг 70 фоизини қамраб олиб, айни чоғда 12 мингдан зиёд абонентга намунали хизмат қилмоқда.

ТЎРТКЎЛЛИКЛАР ЗАФАРИ

Тўрткўл тумани галла тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини бажарди. «Ўзбекистон», «Шўраҳон», Эломонав, Нурулбетов номидоги ҳўжайликларда ўнлаб фермерлар галла ҳосилдорлигини гектарыга 75-82 центнерга етказди. Туман деҳқонлари давлатга яна 500 тонна дон сотиш ниятидалар. Бу йил давлатга 50 минг тонна сара дон сотишни кўзлабтган Қорақалпоғистоннинг Хўжайлик, Чимбой, Қораўзак, Бўзатов туманларида ҳам галла ўрми қизгин давом этмоқда.

НАМАНГАНДА «ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ МАЙДОНИ»

Гуллар шаҳри Наманган кун сайин чирой очиб бормоқда. Кўплаб маданий-маиший, ишлаб чиқариш ҳамда турар-жой бинолари қад кўтариб, янгидан-янги сайроғлар, бири иккинчисига уланиб кетадиган фавворалар бунёд этилмоқда.

Яқин-яқинда Бобур номили истироҳат боғи ёнига, Нодира ва Марригон кўчалари ўртасида да жойлашган каттагина майдондаги алмисоқдан қолган эски ва кўримсиз иморатлар шаҳар хуснини хитектура ва қурилиш бошқармаси ижодкорлари томонидан тайёрланди. Хайкаллар эса Тошкент ва Самарқанддаги қатор номир хайкаллар муаллифи, талантли хайкалтарош Илҳом Жабборов томонидан яратилди. Бундан ташқари, вилоятнинг барча туман ва шаҳарлари учун ноёб тошлар ўрнатилди ва уларга жангоҳлардан

бузиб турарди. Эндиликда ана шу кўримсиз жой энг хушманзара ҳамда кўркям масканлардан бирига айландиган бўлди. Гап шундаки, 3,5 гектар майдонни ташкил этадиган хиббонда вилоят ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлими, Маънавият ва маърифат марказининг маъмурий бинолари билан бир қаторда, «Хотира ва Қадрлаш майдони» мажмуаси бунёд этилмоқда. Дарвоқе, шоир Нодим Намангонийнинг қабрлари ҳам шу ердаги эски масжид ҳовлисидан жой олган. Баҳонада ушбу қабр

ҳам обод қилиниб, қадам-қадамга айлантирилади. Лойиҳага кўра, майдонда Она ва бағрида болаларни кучоқлаб турган келинчақ рамзи қад рост қилинди. Зеро, озодлигимиз учун курашнинг бехисоб йўқотишлари-ю, захматлари оналар, аёллар зиммасига тушган. Ушбу мажмуа лойиҳаси шаҳар ар-қайтмаган ҳамюртлар ҳақида маълумотлар битилди. Мажмуа «Орзу» меҳмонхонаси, вилоят кутубхонаси, электр тармоқлари корхонасининг маъмурий бинолари, Бобур номили истироҳат боғи билан уйғунлашиб тақдорланмас иншоот сифатида шаҳар кўркини янада оширади.

Ўз муҳбиримиз.

Пойтахтимиз озодлиги барчанинг бурчи!

ТАШЛАНДИҚ ОҚАВА ОҚАР СУВГАМИ?

Республикамиз пойтахти — Тошкент шаҳри ҳудудидан кўплаб анҳор ва каналлар оқиб ўтади. «Салор», «Анҳор», «Бўзсув», «Қорасув», «Бўрижар» каби энг йирик каналлар шулар жумласидандир.

Очиқ сув ҳавзаларининг ҳолатини яхшилаш меҳнатқашлар соғлигини муҳофаза этишда муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда, ҳар йили «Экология ва соғломлаштириш» шиори остида мунтазам чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда шаҳардаги қорхона ва ташкилотлар, маҳалла кўмиталари, туман ҳокимликлари ва ободонлаштириш бошқармалари фаол қатнашяпти.

Кейинги йиллар мобайнида шаҳардаги 53 та ишлаб чиқариш корхоналаридан чиқарилаётган ташландиқ оқова сувлар 85 фоизга камайтирилди ёки 31 та корхонада бундай камчиликлар бартараф қилинди. Бундан ташқари, санатор корхоналари томони-

никаси юриши лозим бўлган инспекторлик йўлларига аҳоли томонидан ўзбошимчилик билан қурилган иморатлар тозалаш ишларини ўтказишга тўсқинлик қилмоқда. Шу ўринда бир ҳақли савол туғилади: Хўш, нега кимлардир истаган жойига уй курса-ю, маъмурий органлар уларга нисбатан ҳеч қандай чора кўрмасайди? Тақиқланган жойларга ўзбошимчилик билан уй қурувчиларга қарши курашиш ҳақида илгари ҳам кўп гапирилган. Лекин бу масала ўз ечимини топа олмаяпти.

«Салор» канали ёқалаб юриб, унинг киргоқларида ва ичида тонна-тонналаб уйилиб ётган темир-терсақ, қурилиш ва маиший чиқиндиларни кўрар экансиз, бир пайтлар каналдан одамлар сув ичганини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

«Салор» канали ёқалаб юриб, унинг киргоқларида ва ичида тонна-тонналаб уйилиб ётган темир-терсақ, қурилиш ва маиший чиқиндиларни кўрар экансиз, бир пайтлар каналдан одамлар сув ичганини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Бундай аҳвол ҳар хил юкумли касалликларнинг тарқалишига олиб келиши мумкин. Чунки канал сувидан доимо уларни кўзга туви чичириб қолмоқда. Шунини таъкидлаш жоизки, юқорида кўрсатилган чора-тадбирларга қарамастан «Салор» каналининг Тошкент шаҳар ҳудудидан чиқиш қисмида кимёвий таҳлил учун олинган намуналарда нефть маҳсулотлари, нитрат, цинк микдори санитария меъёрларидан анча юқорилиги аниқланмоқда. Бунга «РАФ» ҳиссадорлик жамияти, 4-сонли, 2505 ва 2515-сонли автокорхоналардан чиқариб ташланаётган оқова сувлар сабабчи дор.

Энг ачинарли ҳолат «Кайковус» каналининг Эски шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмида кузатилади. Канализация тизимининг йўқлиги сабабли хонадонлардан чиқарилаётган оқова сувлар тўғридан-тўғри канални ифлослантиряпти ва эпидемиологик вазиятни кескинлаштиряпти.

Анҳор ва каналлар сувининг ифлосланишига уларнинг киргоқлари бўйида фуқаролар томонидан ноқонуний равишда ўзбошимчилик билан қурилган ҳожатхона, молхона, товўқхона, ҳаммом каби майда иншоотлар ва хонадонлардан чиқарилаётган оқова сувлар ҳам сабаб бўлаётганини таъкидлаш керак.

Агар шаҳар ҳудудидан оқиб ўтувчи анҳор ва каналлар тозаланса, сувлар тўлиб оқса, аҳоли саломатлигини яхшилашга қаратилган муҳим масала ҳал қилинган бўларди ва пойтахт кўркіга янада кўрк қўшиларди.

Ж.МИРЗАМУҲАМЕДОВ,
Тошкент шаҳар
Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази
ҳодими.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунини қўлланиш билан боғлиқ айрим масалалар тўғрисида

Республикада пенсиялар ва нафақалар тизими-ни янгилаш жараёни, унинг юридик, ижтимоий ва молиявий асосларини ислох қилиш иши давом этапти.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларни давлат пенсияси билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунини 1994 йилнинг 1 июлидан кучга кириб, аҳоли барча табақаларининг туб манфаатларига дахл қилиб, кексалар ва меҳнатга лаёқатсиз кишиларнинг эҳтиёжларига нисбатан олиб берилаётган сиёсатни бутунлай ўзгартириб юборди.

Фуқароларнинг жуда кўп муурожаат қилишлари-ни ва қорхоналар, муассасалар ҳамда ташкилотлардан пенсиялар тўғрисидаги янги Қонунни қўлла-ниш тартиби ҳусусида тушаётган сўровларни ино-батга олиб, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Феде-рацияси кенгашининг юридик бўлими пенсия би-

шқа сабаблар туфайли архив ҳужжатлари бўлмаса ва уларни олишнинг иложи бўлмаса, гувоҳлик бўйича белгиланган меҳнат стажидан пенсия тайинлаш учун талаб қилинган муддатнинг ярмидан ошмаслиги керак.

Харбий ҳаракатлар, табиий офатлар, авариялар, ҳалокатлар ва бошқа фавақулдада вазиятлар туфайли ҳужжатлар бўлмаса, бунда гувоҳларнинг гувоҳлик беришига қараб меҳнат стажидан ҳеч қандай чекловларсиз белгиланиши мумкин.

1965 йилгача жамоа ҳуж-лигида ишлаган вақт ҳам худди юқоридики тартибда, гувоҳларнинг гапи билан тасдиқланади. Бунда архив маълумотларнинг қандай сабабларга қўра йўқлигидан қатъи назар, мавжуд иш ста-жи тўғрисидаги ҳужжатлар-ни олишнинг иложи бўлмай-ди.

Деҳқон (фермер) ҳўжа-ликлариди, алоҳида фуқаро-ларда, диний ташкилотлар-да ишланган вақт, шунинг-дек ижтимоий суғурта фон-дига суғурта бадалларини тўлаш шарти билан иш ста-жиги қўшилидиган меҳнат фаолиятининг бошқа давр-лари гувоҳларнинг гапи бил-лан тасдиқланмайди.

Шундай қилиб, қорхона, муассаса, ташкилот, жамоа ҳўжалиги ва архив органла-ри томонидан архив ҳужжат-ларнинг йўқлиги тўғрисида берилган маълумотномалар гувоҳларнинг гапи бўйича меҳнат стажини белгилаш-да асос бўлиб хизмат қила-ди.

4. Бир қанча ўқув юрт-ларидаги ўқишни пенсия тайинланаётганида меҳ-нат стажига киритса бўладими?
Жавоб: Ҳа, агар кундуз-ги бўлимда ўқиган ва иш стажидида 5 йил бўлса, киритиш мумкин.

5. Пенсияни ҳисоблаб

чиқиш учун иш ҳақи қан-дай олинади?

Жавоб: Ишда танаффус бўлиш-бўлмастидан қатъи назар пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун меҳнат фаолиятининг қаторасига исталган беш йиллик (пенсия учун муурожаат қилган одамнинг хоҳишига қараб) иш ҳақи олинади. Бунда танлаб олинган давр ҳар бир йил-нинг иш ҳақи миқдори Ўзбе-кистон Республикаси Ва-

аниқланади.

Пенсияни ҳисоблаб чи-қиш учун олинган иш ҳақи суммаси энг кам иш ҳақининг етти баробари миқдоридан ошмаслиги ке-рак.

Пенсияни ҳисоблаб чи-қиш учун олинган ойлик ўртача иш ҳақи энг кам иш ҳақи миқдорида паст бўлса ёки маош тўғрисида ҳеч қандай маълумот

**ҲУҚУҚИЙ
МАСЛАҲАТХОНА**

Ишонга Наф Келтириш

Олий Вақт

зирлар Маҳкамасининг 1992 йил 4 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган тегиш-ли мувофиқлаштириш коэф-фициентига асосан ошириб борилади, бу коэффициент-лар энг кам иш ҳақининг охиб боришига қараб қай-тадан ҳисоблаб чиқилади.

Ойлик ўртача иш ҳақи 60 календар иш ойлари учун тўланадиган маош умумий суммасини қаторасига олти-мишга бўлиш йўли билан аниқланади.

Агар пенсия олиш учун муурожаат қилган одам беш йилдан кам ишлаган бўлса, ойлик ўртача иш ҳақи календар иш ойлари учун тўланадиган маош умумий суммасини ўша ойлари со-нига бўлиш йўли билан

бўлмаса, унда пенсия энг кам иш ҳақи ҳисобидан тўланади.

Х. ПРЕМКҮЛОВ,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг юридик бўлими мудир-и меҳнат ҳуқуқлари бош нозири.

(Давоми бор)

Газетанинг 20 июн со-нидаги пайариқлик А. Сартаев саволига жавоб-даги «... Сиз ишга жой-лашган бўлсангиз пенсия-нигиз 40 фоиз миқдори-да тўланади», жумласи «100 фоиз тўланади», деб ўқилсин.

Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари тўғрисидаги қонунлар қандай бажарилмоқда?

ТАҚДИМНОМА КИРИТИЛДИ...

Мухбиримизнинг Қи-зилтепа туман проку-рори, 1-даражали ҳуқуқшунос А.Болтаев билан суҳбати туман-да иқтисодий ислохот-ларни чуқурлаштириш, фермер ва деҳқон ҳўжаликлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш-га қаратилган қонунлар

жиддий ташвиш бил-дирилган. Ҳўш, унинг ижроси қандай бўлди.

Жавоб: - Эътибор берган бўлсангиз, мар-каздаги Темирийўл вок-зали худудидида марка-зий савдо мажмуида, Зарметан, Тошраб-от қишлоқларида, Ўрта-чўл массивида фермерлар учун «Нурафшон» шўъба қорхонасига қарашли шундай дўкон-лар очилди. Бундан ташқари, вилоят «Саб-завотнавуруғлари» масъулияти чекланган жамиятига қарашли деҳқон-фермер, шир-кат ва тадбиркорларга навли улуглар етказиб бериш, савдо хизмати кўрсатиш дўкони ўз фа-олиятини бошлади.

Савол: - Тақдим-номадан сўнг туман ма-шина-трактор саройи ҳиссадорлик жамия-ти қошида ишбилар-мон ва тадбиркор-ларга қишлоқ ҳўжа-лик машиналари учун эҳтиёт қисмлар сав-до дўкони таъмирла-ниб ишга туширили-ди. Шундайми?

Жавоб: - Фақат бу-гина эмас, «Агрокимё-таъминот» ҳиссадорлик жамиятига қарашли махсус дўкон ҳам ми-нерал ўғитлар билан таъминланган ҳолда фермерлар, тадбир-корларга хизмат кўрсатмоқда. Худди шундай дўкон Ўрта-чўл массивида ҳам очилди, эрта-индин Тошраб-от

да ҳам иш бошлади. **Савол:** - Деҳқон, фермер ва тадбир-корларга яна қандай имтиёз ва шарт-ша-роитлар яратилмоқ-да?

Жавоб: - Қизилтепа Марказий деҳқон бо-зоридида тегишли тар-тибда деҳқон, фермер ҳўжаликлари ва тад-биркорлар томонидан етиштирилган чорва, қишлоқ ҳўжалик маҳсу-лотлари - гўшт, сут, картошка, қарама, по-мидор, мева-сабзавот-ларни, тадбиркор хунармандлар эса тай-ёрлаган буюмларини ўзлари сотишлари учун алоҳида-алоҳида савдо расталари қурилди. Табиийки, бундай рас-талар жойлардаги бо-зорларда ҳам ташкил этилади. Бозордаги нарх-наво доимо назор-ат қилиб турилибди. Худди шунингдек, ту-ман ҳокимлиги ва ту-ман прокуратураси ҳамкорлиги, амалий ёрдами натижасида ту-ман товар ишлаб чи-қарувчилар, тадбир-корлар уйи таъмирла-ниб, зарур бўлган те-гишли ҳуқуқий, меъё-рий қўлланма-адабиёт-лар ҳамда замонавий компьютер, мебел ва бошқа жиҳозлар билан таъминланиб, ишга ту-ширилди.

Савол: - Тақдим-номадан сўнг туман ма-шина-трактор саройи ҳиссадорлик жамия-ти қошида ишбилар-мон ва тадбиркор-ларга қишлоқ ҳўжа-лик машиналари учун эҳтиёт қисмлар сав-до дўкони таъмирла-ниб ишга туширили-ди. Шундайми?
Жавоб: - Фақат бу-гина эмас, «Агрокимё-таъминот» ҳиссадорлик жамиятига қарашли махсус дўкон ҳам ми-нерал ўғитлар билан таъминланган ҳолда фермерлар, тадбир-корларга хизмат кўрсатмоқда. Худди шундай дўкон Ўрта-чўл массивида ҳам очилди, эрта-индин Тошраб-от

Суҳбатдош:
Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.



Қашқадарё вилояти Қарши шаҳрида жойлашган «Истиклол» жамоа қорхона-си тасарруфидида 146 та транспорт воси-таси мавжуд. Бу қорхона асосан пахта санаотида хизмат қилади. Жамоа ўтган йилни 237 миллион сўм даромад билан якунлади.

Суратда: Қорхона раҳбари Ибро-ҳим Тохиров (ўртада) ҳайдовчилар Ўктам Каримов ҳамда Рустам Юсу-пов билан.

3. РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Одамлар яхна ичимликларга янада кўпроқ эҳтиёж сезиб қолишди. Қибрайдаги «Рохат» ҳис-садорлик жамияти мавсумда қандай ишлайди? Яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган комбинат бу йил неча турдаги махсулотни аҳоли дастурхо-нига тортиқ этади? Бу ҳақда «Рохат» очик турда-ги ҳиссадорлик жамияти лаборатория мудир-и, де-густатор-мутахассис Мавлуда Ҳожимуродова «Туркистон-пресс» мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

юрак хасталиклари учун шифобахш ҳисобланса, «Райхон» ичимлиги ором-бахш ҳусусиятга эга. Маз-кур ичимликлар хом ашё-сини бизга Наманган ви-лояти, Чортоқ туманида-ги «Рохат» ҳиссадорлик жамияти етказиб беради. Умумий ҳисобда бу йил алкоғолсиз ичимликлар-

ЧАНҚОВБОСДИ ИЧИМЛИКЛАР КўПАЯДИ

— Ёз чилласида аҳоли-нинг яхна ичимликларга талаби кескин ошишини инобатга олиб, «Рохат» ҳиссадорлик жамияти бу йилдан эътиборан етти турдаги алкоғолсиз ичим-лик ва уч хилдаги пиво ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди. Германия-нинг «Делер» фирмаси ҳамкорлигида «Малина», «Киви», «Грейпфрут» ли-монадлари, шунингдек, Голландиянинг «Квест» фирмаси ҳамкорлигида «Шифтоли» ичимлиги тай-ёрлаяпмиз. Хорижий ҳам-корлар бизга асосий хом ашё — концентрат етказиб беришади. Уни тайёр мах-сулот ҳолида ишлаб чиқа-риш, қадоқлаш ҳамда со-тувга тақдим этиш қорхо-намиз зиммасидаги вазифа-дир.

Бугунги кунда аҳоли орасида нафақат арзон ва сифатли, балки табиий хом ашёдан тайёрланган ши-фобахш яхна ичимликлар-га ҳам талаб ортиб бора-пти. «Тошкент» ва «Райх-он» лимонадлари ана шун-дай ичимликлар тоифаси-га киради. Масалан, «Тош-кент» ичимлиги таркибиди-га кийик ўти қон босими,

дан 400 минг декалитр, «Тошкент» минерал суви-дан 19 миллион шиша ҳажмида ишлаб чиқариш-ни режалаштирганмиз. Шунинг ҳам айтиш керак-ки, авваллари ишлаб чи-қарилган лимонадларни сақлаш муддати ўн кун эди. Фойдаланилаётган сувга қайта ишлов берил-ганлиги, қўшимча модда-лар ҳисобига бойитилган-лиги сабабли ҳозирги ли-монадлариимизнинг истеъм-ол муддати бир ойдан олти ойгача узайтирилган.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎЗА шарҳловчиси.

Шарҳловчи минбари

ДУВР БАНДАРГОҲИДАГИ МАШЪУМ ВОҚЕА

Куни кеча халқаро ҳам-жамиятини, айниқса, Евро-па жамоатчилигини бир воқеа қаттиқ ларзага сол-ди. Нидерландиядан йўлга чиққан автомаши-на Буюк Британиянинг Дувр бандаргоҳида поли-циячилар томонидан тек-ширилганида, юкхонаси-дан 58 нафар қочқиннинг ҳужжатлари топилди. Икки нафар йўловчининг эса ҳали жони узилмаган экан.

хитойликлар экан. Улган-ларнинг 54 нафари эркак ва тўрт нафари эса аёл эди. Улар машина юкхо-насидаги хаво алмаштиригич-нинг ишламаслиги сабаб-ли димикиб ўлган.

Бундай машъум воқеа биринчи бор юз бераётган-ни йўқ. Бундан бир неча йил аввал ҳам Шарқий Евро-пада мамлакатларнинг бирида ана шундай қўнғил-сизлик бўлганди. Ушанда бир неча ўн киши яхши ҳаёт илинжида Европага яширинча йўл олиб, маши-на юкхонасида ўлим топ-ган эди.

Кўриниб турибдики, бу-гунги кунда қочқинлар му-аммоси, ноқонуний мухо-жирлик аллақачон ҳал эти-лиши зарур бўлган дол-зарб халқаро муаммога ай-ланган. Тўғри, асримиз сўнггида тараққиёт шу да-ражага етдики, айни пайт-га келиб халқаро интегра-ция атамаси ҳаммага ту-шунарли бўлиб қолди. Коммуникациянинг ривож-ланиши, иқтисодий глобал-лашуви ишчи кучи бозори-га ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Ишчи кучи бозо-ри кенгаяр экан, ўз-ўзидан мухожирлик тўқинини ҳам келтириб чиқараверади. Масалан, ҳозирги кунда бадавлат араб мамлакат-ларида Филиппин, Ҳинди-стон, Покистон, Бангла-деш, Афғонистон каби мамлакатлардан келган минг-миңлаб мухожирлар меҳнат қилмоқда. Фарбий Европада эса мухожирлар-нинг аксарият қисмини аф-риқалик ва шарқий евро-паликлар ташкил этади.

Бироқ мухожирликнинг яна бир тоифаси ҳам бор-

бир ачинарли томони, эч-кига жон қайғуси, қасосба-га мой қайғуси деганларидек, юзага келган ша-роитдан фойдаланиб қоли-шини режалаштирган халқаро жиноятчи гуруҳ-лар одамларнинг қулфа-тидан бойлик орттириш-ни ўзларига қасб қилиб олгандадир. Яъни, улар маълум маблағ эвазига мухожирларни ноқонуний йўл билан бирор давлат-га ўтказиб қўйишга ҳара-кат қилапти. Дувр бан-даргоҳида юз берган машъум воқеа ҳам ана шу жиноятнинг бир кўри-ниши эканига шубҳа йўқ.

Ҳозирда маҳалла кўмитаси ҳисобида 5 та қишлоқ, 4 та болалар боғчаси, врачлик амбу-латорияси, ўрта мактаб бор. Бу ерда кам таъ-минланган ва боқувчисини йўқотган оилалар-га моддий ёрдам кўрсатиб турилибди. Бун-дан ташқари, ёш болалар нафақаси учун оилаларга ўз вақтида маблағ тарқатилмоқда. Шу-лар қаторида маҳаллада ёшларни иш билан таъминлаш, уларга етарлича шароитлар яра-тиб бериш доимий эътиборда. Турли тадбир-лар, ёшлар ўртасида ўзаро беллашувлар ўтка-зиш аънамага айланган.

У.ЖУМАЕВ.

Ёз гаити

Олий ўқув юртлири аро болалар оромгохи «Лочин» бугунги кунда энг намунали масканлардан бири ҳисобланади. 360 нафар болаларнинг хордик чикаришига мўлжалланган мазкур оромгоҳда барча шариоитлар мавжуд. Оромгоҳни мавсумга тайёрлашда Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кўмитаси яқиндан ёрдам бердилар.

радилар, - деди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кўмитаси раиси Тоиба Акромова биз билан суҳбатда. — «Соғлом авлод йили»да болаларнинг ёзги мавсуми кўнгилли ўтказиш

ЗАВҚЛИ ОНЛАР

Таъмирдан янги чиқарилган Маънавият ва маърифат хонаси ва кутубхона, турли спорт турлари билан шуғулланишга мўлжалланган спорт майдончалари улар ихтиёрида. Айниқса, зилол суви мавжлаиб турган сув ҳавзасида мазза қилиб чўмилиш болаларга хузур бахш этади.

ётоқхоналар ҳам ёг туша ялагудек озода ва шинам. Мазали таомларга бой ошхонада эса болалар дармондориларга бой озиқовқатлар ва сабзавот, мевалардан танавул қилмоқдалар.

Оромгоҳда асосан олий ва ўрта махсус ўқув юртлири, халқ таълими муассасалари ходимларининг фарзандлари хордик чиқар

лари, янги ўқув йилини куч-қувват ва бой таассуротлар билан кутиб олишларига катта эътибор берилмоқда. Шунингдек, болаларнинг бўш вақтларида турли бадий адабиётлар мутоала қилишлари ҳам диққат марказимиздадир.

Муҳаббат УРМОНБЕКОВА, «Ишонч» муҳбири.

УЛУҒ КИШИЛАР ҲАЁТИДАН

Эйнштейннинг ёрдамчиси унга шундай деди: — Профессор, бугун газеталар сизни етмиш ёшга тўлган кунингиз муносабати билан табриклишибди. Ишга қизиқиб кетган профессор: — Яхши, жуда яхши. Менинг номимдан табриклар, гулдаста юборингиз, - дедди. Машҳур рус химиги Николай Бекетов иш кабинетида таҳриба ўтказиб ўтирганида хизматдорларидан бири эшикдан шошилиб кирибди-да: — Николай Николаевич! Кутубхонангизга ўғри тушибди, - деб хабар қилибди.

Олим ишдан бошини кўтариб, ажабланиб оҳангда сўрабди: — Улар кимнинг китобини ўқишмоқда? — Альберт Эйнштейн ишдан келиб, кутубхонада швейцарга қараб: — Кечирасиз, сиз профессор Эйнштейн қаерда яшашини билмайсизми? - дедди. Швейцар хангу манг бўлибди: — Э... Қизиқмисиз... Сиз ўзингиз профессор Эйнштейн эмасмисиз? — Ўзим ҳам яхши биламан. Бироқ, шу уйнинг нечанчи қаватида яшашимни эсимдан чиқарибман...

Кураш ПОЛВОНЛАРНИ КИШИНЁВ КУТМОҚДА

Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт мажмуида катталар ўртасида самбо бўйича республика чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиз вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрининг полвонлари 9 вазн тоифасида голиблик учун беллашдилар.

Кишинёвда бўладиган халқаро турнир ҳамда ноябр ойида Киевда ўтказиладиган жаҳон чемпионати каби нуфузли беллашувлар кутмоқда Маъсулияти мусобақалар олдиндан полвонларимиз бир ойлик ўқув-тайёргарлик машгулотларини Тошкентда ҳамда Қозғистонда ўтказдилар. Икки кунлик қизгин беллашувлар натижасига кўра, самарқандликлардан А.Муродов, И.Йўлдошев, бухороликлардан Р.Холиқов, Р.Болтабоев олтин медал соҳиблари бўлишди Тошкент шаҳри «Динамо» ҳамда «Жар» спорт клуби полвонлари— Л.Латипов, Х.Оттабон, А.Курбонов, А.Айвазян, Э.Махаммасулловлар ҳам ўз вазнларида чемпионликни қўлга киритдилар.

ЖУМАБОЗОРДА ХОТИРА ТУРНИРИ

Юқори Чирчиқ туманидаги Жумабозор қишлоқ ўйингоҳида марҳум Хурсанали Ўразалиев хотирасига бағишлаб футбол турнири бўлиб ўтди. Унда барча рақибларини мағлуб этган «Оқовул» қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Султонравот» маҳалласи футбол жамоаси фахрли биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, «Жумабозор» ва «Тўқимбой» маҳаллалари футболчилари ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

Голиб жамоалар Олимжон Остонов, Йўлдош Умаров, Асан Қамбаров каби тадбиркорлар томонидан ажратилган пул мукофотларини олишди. «Энг яхши дарвозабон», «Турнир тўпуари», «Энг яхши ҳужумчи» каби махсус совринлар ҳам ўз эгаларига топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ.

Ўзбек курашининг иккинчи тури — «Белбоғли кураш» ҳам жаҳон узра қанот ёзиб, дунё алпларини бел олишига чорлаши шубҳасиз. Албатта, бу ўринда ўзбек полвонларининг ҳам уллуғи муҳим аҳамият касб этади. Хонобода ўтказилган дастлабки республика чемпионатида Андижон вилояти вакиллари 7 вазннинг 5 тасида зафар қучишди. Жумладан, 100 килограмм оғирликда майдонга чиққан Шавкат Омонуллоев ҳам Ўзбекистон чемпиони деган шарафга муносиб бўлди.

1973 йилда Шахрихон туманида туғилган, икки фарзанднинг отаси Ш.Омонуллоев билан «Туркистон-пресс» муҳбири мулоқотда бўлди. — Илк бор рақиблар белбоғини маҳкам ушлаш сирларини ўрганган кезларингиз ҳақида сўзлаб берсангиз. — Полвонлик қонимизда бор. Она томондан бўлган бобом Мамадали полвон тўю сайилларда голиблик гаштини суриб юргани ҳақида давраларда кўп эшитганман. Унга ихлосим ортиб, ёшим ўн учни қоралаганда, мактабдаги жисмоний тарбия ўқитувчиси Аҳдам Маъмуров қўл остида илк бор кураш сирларидан воқиф бўлдим. Қолаверса, деҳқончиликда қўли каварган отам Собиржон Омонуллоев ҳам полвонлар билан бинойидек бел олишган. Номдор полвонларнинг белбоғини ушлашда халқаро спорт устаси Равшан Исоқовнинг ўғитлари асраёттир. — Курашчи мусобақа олдиндан сайил тўйларда бўладиган беллашувларда маҳоратини қанчалик ошириши мумкин? — Авваламбор, фурсатдан фойдаланиб, халқаро микросдаги қонун-қондалар асосида сайқалланган бел-

Ўқинг ва амал қилинг ГЎЗАЛЛИК

Узоқ умр кўриш учун аввало тўғри ҳаёт кечирish зарур. Машҳур табиб Абу Али ибн Сино соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадан тарбия бўлиб, кейин овқат ва уйку, деган эди. Юрактомир касалликлари атеросклероз, гипертония (хафақон) ақлий меҳнат кишиларида кўпроқ учрайди. Чунки улар жисмоний тарбия билан кам шуғулланадилар. Жисмоний меҳнат эса тиббиётда олий асаб тизими бузилганда даволоччи энг кучли восита ҳисобланади.

Кишини эзиб юборадиган оғир ҳис-туйғулар, ғам-андух, интизорлик, соғинч, ташвиш, кўрқув, ваҳима уйқуни қочиради, иштаҳани йўқотади, кишини ланж қилади ва қон босимини ошириб юборади. Салбий ҳис-туйғулар-невроз, гипертония, инсулт, стенокардия, миокард инфаркти каби касалликларнинг сабабчиси. Меъда-ичак яраси, жигар, буйрак касалликлари эса ёмон ҳис-туйғулар таъсирида пайдо бўлиши аниқланган.

Саломатлик — одам организмнинг атроф-муҳит билан доимо динамик мувозанат ҳолатида бўлишидир. Инсон ўзини ўраб турган муҳит билан ўзаро мулоқотни бузмаслиги-саломатликни сақлашдаги муҳим омил ҳисобланади. Дарҳақиқат, об-ҳавонинг кескин ўзгаришига одам ўз организмни тайёрлаб, чиниқтириб бориши керак.

Турли тадқиқотчиларнинг маълумотларига кўра, назарий жиҳатдан олганда одамлар 120-130 йил яшашлари мумкин. Бу одамнинг биологик жиҳатдан асосланган энг узоқ умр кўришидир.

Одам ортиқча овқатланиш, ичкиликдан ва кашандаликдан ўзини тий олмаганига сабабли яшаш мумкин бўлган умрининг ярмини ҳам яшамасдан ўлиб кетади, деб ёзган эди, америкалик соғлом турмуш тарзи тарғиботчиси Поль Брег. Турли икки-чиқирлар, ғам-ташвишлардан, асабийлашишлардан қутилиш учун одам ўзига соғлом турмуш тарзини яратиши ва унга амал қилиши керак.

Гўзаллик инсон фаолиятининг кишида меҳр-муҳаббат, қувонч, завқ, эркинлик туйғулари ҳосил

қилишга қодир бўлган хусусиятларини ифодалайди. Инсондаги гўзаллик ташқи ва ички кўриниш, яъни мазмун ва шакл биригини тақозо қилади. Бинобарин, у инсоннинг ташқи кўринишига нисбатан кўлланиладиган чиройли, кўркам, сулув каби сўзларни ўз ичига олиши билан бирга, энг яхши хулқ-атвор, фазилатларни, одамийликни ҳам ифодалайди. Кишиларнинг маънавий гўзаллигини белгилоччи муҳим омил уларнинг меҳнатга бўлган муносабатидир.

Шу муносабат билан соғлиқни ва гўзалликни сақлашга ёрдам берадиган айрим чора-тадбирларни эслатиб ўтамиз: Яхши уйку гўзаллик белгиси бўлиб, у кундалик чарқочни юздан сидириб ташлайди. Ухлаганда бутун организм, биринчи навбатда асаб тизими яхши дам олади. Бунинг учун ухлашдан олдин уйни шамоллатиб, соф ҳавода сайр қилиб келиш мақсадга мувофиқдир. Ухлаш олдиндан аччиқ чой, кофе, таом, спиртли ичимликлар ичиш, тамаки, нос чеккиш, ёғли, шўр, нордон, ширин, ўткир таомлар истеъмол қилиш, кўп суяқлик ичиш, тўйиб овқатланиш тавсия этилмайди.

Ҳар қуни овқатланишдан ярим соат олдин бир пиёла илиқ сув, икки хил хўл мева, ёки сабзавот танавул қилишга одатланиш лозим. Сув, ҳаво ва қуёш нури организм учун жуда фойдали бўлиб, улар ёрдамда соғлиқни мустаҳкамлаш, организмни чиниқтириш ва ташқи қиёфага жозоба бахш этиш мумкин.

Модага кўр-кўрона эргашиш соғлиққа ёмон таъсир қилиш мумкин. Одам танасига қадалган металллар, «тақинчоқлар» орқали танага тушган инфекциялар сурункали шамоллашга сабабчи бўлиши, аллергия ва айрим касалликларни кўзгаши, юздаги, теридаги асаб толаларига шикаст етказиши мумкин. Инсон рўй-руҳдорининг гўзал бўлишида тери ва соч муҳим рол ўйнайди. Бадан териси ички органлар ва асаб тизими билан узвий боғлиқ. У кишининг соғлиғини акс эттирувчи ҳақиқий кўзгудир.

Дунёни гўзаллик кутқаради, дейди доноларимиз. Гўзаллик эса саломатликдодир.

Сафар МУҲАММАДИЕВ, доцент.

САЛОМАТЛИКДАДИР

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ Таҳрир хайъати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари-«Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибхона 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63 Газета 1991 йил 21 мартдан чиққа бошлаган

Мазмунимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. ИВМ компьютерида терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Умумий аҳди 14.002 нуска. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00



ШАВКАТ ОМОНУЛЛАЕВ: ОТ ИЗИНИ ТОЙ БОСАР

— Мустақил Ўзбекистонимизнинг биз орзу қилган буюк келажаги ана шу тўрт мучаси соғлом чақалоқлар, бўлгуси баркамол авлод тимсолида намоён бўлади, - дейди Косон туманидаги марказий шифохонанинг турғуқона бўлими шифокори Шириноя Мирзаева, - Шундай мўътабар даргоҳда фаолият кўрсатаётганимдан бахтиёрман. Бу не саодатки, чақалоқ кўз очиб, даставвал бизни кўради, бизнинг меҳримиздан баҳра топади. Ота-онасидан ҳам олдин бизга назари тушади. Биз шифокорлар шунинг учун ҳам беғубор, гўдак табассумидек завқли, гўзал касбимизни ҳамиша ардоқлаб яшаймиз.

Зикрилла РАҲМАТУЛЛАЕВ олган сурат.

Истеъдод ЭЛМУРОД — РЕСПУБЛИКА ҒОЛИБИ

Яхши куй-қўшиқ инсонни маънави аъзолари, руҳан поклайди, юксак манзилларга чорлайди. Мусиқага ошно кўнгиллари шунинг учун ҳам ҳамиша эзгуликка, меҳр-саховатга тўла бўлади. Андижон вилоятидаги Тўхтастин Жалилов номли санъат билим юрти ўқитувчиси Элмурод Мамасолиев ҳам ўз иқтидори ва истеъдоди билан элдошлари фахр-ифтихорига айланаётган ёшлардан. У яқинда Тошкентда ўтказилган ўзбек миллий чолу-ғазаллари ёш ижрочиларининг I республика кўрик-танлови ғолиби бўлди. Элмурод иккинчи марта ана шундай нуфузли танловда муваффақият қозонди.

Танлов иштирокчилари ва хайъати аъзолари Элмуроднинг ижрочилиқ маҳоратига тан беришди. Айниқса у халқ куйларидан «Мушқилоти дуго», Ф.Содиқовнинг «Фаввора», А.Ханатуриянинг «Филичбозлар рақси», Х.Холмаметовнинг «Концерт-II», Куба оҳанглиридан «Фантазия» каби мусиқаларни шундай юксак маҳорат билан ижро этдики, томошабинлар беихтиёр тўлқинланиб кетишди. Элмуродни давомли қарсақлар билан оқлашляди.

Ёш мусиқачи эл олқишига самарали меҳнати, изланиш ва маҳорати билан эришди. Элмурод мусиқа билим юртини тугатган, Тошкент Давлат консерваториясида таҳсил олди. Тинимсиз ўқиди, Фарзана Исмоилова, Хусан Набиев сингалари устозларидан мусиқа санъатининг нозик сирларини, инсон кўнгилига йўл топишининг машаққатли жиҳатларини ўрганди.

Ёш ижрочилар кўриктанловида Элмуроддан ташқари билим юртининг яна беш нафар аълочи ўқувчилари иштирок этдилар. Улардан бири — Илёс Мамажонов танловнинг фаол иштирокчиси сифатида диплом билан тақдирланди. Яқинда Элмурод бошлиқ танлов иштирокчилари билим юрти жамоасига ўзларининг ҳисобот концертларини намойиш этдилар. Шогирдлар камолида устозларнинг иқтидори ва билими, машаққатли меҳнатлар акс этди. Жозибали мусиқадан кўнгиллари тоғдек кўтарилди.

Ш.НЕЪМАТОВ.